



O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 11-avgust. Payshanba ● 94 (31.370) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Қишлоқ жойларда турар жой қурилишини ривожлантириш дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 2260 та якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилади.




Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун тижорат банклари томонидан 2,2 триллион сўм ёки 2010 йилнинг шу даврига қараганда 34 фоиз кўп инвестиция кредитлари ажратилди.



«ЎЗБЕКISTON МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА»

■ «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган янги китоби нашр этилди. Китобдан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989-1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлар ўрин олган.

Китоб шаклида илк бор чоп этилаётган бу чиқишларнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланиши албатта бежиз эмас. Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган гоёт оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислон Каримовнинг ўлка-мизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида голиб чиқиш, Президентлик қасамёдини қабул қилишига бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.



донлари ва томорқа ерлари ажратиш, пахта яккахокимлигига барҳам бериш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли республика бўйича 700 мингта оилага ер берилгани, муаллиф таъбири билан айтганда, кичикроқ бир давлатнинг аҳолисига тенг бўлган 1,5 миллион янги оила пайдо бўлгани, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, одамларга кредит бериш, ўз хўжалигини юритиш учун уруғлик, чорва моллари ва парранда ажратишга қаратилган улкан ишлар ҳам шу тўпلامдан ўрин олган.

Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофида ёриб берилди.

Маълумки, 1989 йилнинг ўрталарида КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонга нисбатан қатагон сиёсати янги босқичда давом эттирилиб, «пахта иши», «ўзбеклар иши» деб ном олган сиёсий кампаниялар авж олган эди. Коммунистик партиянинг бош наشري бўлган «Правда» газетасининг «Олтин хазинаси устидаги илон» деб ном олган мақоласида, бошқа етакчи марказий нашрларда халқимиз бошига тинимсиз тўхмат ва бўҳтонлар ёғдирилмоқда эди. Собқ Марказдан юборилган, эл-юртимиз ўртасида «десантчилар» деб ном олган гуруҳлар томонидан қанча-қанча беғуно инсонлар, бутун-бутун оилалар таъйиқ ва таъқиқларга учраганини жамоатчилигимиз яхши эслайди.

Ана шундай оғир бир шайтонда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидagi асрий оруз — истиқлол гоиси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади. Агарки бу китобнинг маъно-мазмунини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллиги, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва гоиларни Ислон Каримов ўша долғали йиллардаёқ, узоқни кўрган ҳолда, ўзига нечоғли аниқ-равшан тасаввур этгани мазкур тўпلامнинг хар бир саҳифасидан бамисоли «қизил ип» бўлиб ўтишини таъкидлаш ўринлидир.

Шу давр мобайнида ўлкаимизда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманган воқеалари пайтида, тарихда «ГКЧП» деб ном олган, СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ империяпараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий тўнтариш чоғида ва бошқа шу каби ўта кескин вазиятларда Ислон Каримовнинг эжаю гоғона тўғри йўлни топа олгани, халқимизнинг тинчлиги ва ҳафсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб борганини тасдиқлайдиган тарихий манбалар ҳам ушбу китобда ўз аксини топган.

Фракция фаолияти



Муродбек ЭИЕ олган суратлар.



Ҳар бир қонун лойиҳаси қизин муҳокама қилинди

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди. Фракция аъзолари қонун лойиҳасига аниқлик киритиш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мослаштириш бўйича таклифлар билдирди.

«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Айтиш кераки, мазкур ҳужжат «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда.)

Вольфганг НОЙЕН:

Ўзбекистон истиқлол йилларида улкан ютуқларни қўлга киритди

■ Германия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўза мухбири Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Вольфганг НОЙЕН билан суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда.)

Миллий фармацевтика саноати

мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли шаклланди, дунёга чиқди



■ Тасаввур этинг, бундан йигирма йил илгари, истиқлолга қадар дори-дармон ва тиббий асбоб-ускунанинг ҳаммаси четдан олиб келинар, республикамиз фармацевтика бозоридagi маҳсулотнинг атиги 2 фоизи маҳаллий корхоналар ҳиссасига тўғри келарди. Қолаверса, тизимда бор-йўғи 2 та — «Ўзимфарм» ва «Ўзбиофарм» фармацевтика корхонаси ва 2 та илмий текшириш институти фаолият юритар эди, холос.

⇒ 3

Эътироф

Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳон миқёсида ҳам етакчи мамлакатлар сафидан жой олаётганини таъкидламоқчиман. Юртингизда истиқлол йилларида кўплаб соҳаларда улкан ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Буларнинг барчаси юртингизда халқ фаровонлигини янада юксалтиришга, ижтимоий ва сиёсий барқарорлиқни таъминлашга қаратилган улкан эътироф самараларидандир.

Арто КАНДЕЛОРО, (Италия).

Хушхабар

Олтита медаль

■ Бангкоқда ўсмирлар ўртасида юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида вакилларимиз 2 та олтин ва 4 та бронза медаллари билан тақдирланишди.

Юнон-рум курашида Собир Қозокбоев (42 кг вазн тоифасида) ва Мухаммадали Шамсиддинов (76) Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди, Асрор Муҳиддинов (54) эса бронза медални билан кифояланди. Эркин курашчиларимиздан Сирожиддин Хасанов (54), Ислон Раҳимов (69) ва Шавкат Одинаев (85) ўз вазн тоифаларида бронза медалига муносиб кўрилди.

Интернет суҳбат

«Билимларимни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сарфлайман»

— дейди ҳамюртимиз, Жанубий Кореянинг Ёнгнам университети мобил алоқа йўналиши магистранти Жаҳонгир Нарзуллаев

⇒ 4

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Интернет суҳбат

«Билимларимни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сарфлайман»

— дейди ҳамюртимиз, Жанубий Кореянинг Ёнгнам университети мобиль алоқа йўналиши магистранти Жаҳонгир Нарзуллаев

— 1990 йилда Тошкент шаҳрида туғилганман. Оилада беш нафар фарзандимиз. Акам Тошкент ахборот технологиялари университети 2004 йилда битирган...

— Нимагадир кейинги вақтларда мактабда, лицейда, университетда таълим берган ўқитувчиларимни тез-тез эслайман. Балким мусофирчилик сабабидир...

си пайдо бўлди. Кейинчалик эса акамнинг маслаҳати билан орзу мақсадга айланиб, магистратура йўналиши бўйича ҳужжат топшириб, Жанубий Кореянинг Ёнгнам университети гранти соҳиби бўлдим.

— Мен университетга кирган йили акам Жанубий Кореяда магистратурада ўқибган эди, ўша пайтдаёқ менда ҳам магистратура хорижда ўқиш орзу...

ишимни сентябрь ойида Португалияда ёқлайман. — Жанубий Кореяда ўзингиз учун нималарни кашф этдингиз?

— Жанубий Кореянинг ўзига жалб қиладиган томонларидан бири албатта, гўзал табииати: денгиз, кўллар, ороллар, тоғурмонлар. Кореяликлар барча чет элликларга, айниқса ўзбекларга жуда самимий муносабатда бўлишади.

— Уқишдан бўш вақтингда нималар билан шуғулланасиз?

— Асосан ўзим учун бегона бўлган жойга саёхатга бораман, фотоаппарат ёрдамида суратлар тушираман ва интернет тармоқидан блог ёзаман. Анча вақтдан бери ўзимнинг шахсий сайтиمنى очиб шунинг билан бор эдим.

— Келажакдаги мақсадларингиз?

— Биз ёшлар Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим деб яшашимиз керак. Келажакда чет элда ўрганган билимларимни Ўзбекистонда мобиль алоқа йўналиши тараққиёти йўлида сарфлайман.

— Уларни кўпроқ миллий қадриятларимиз, юртимизга, ота-онамизга муносабатимиз, урф-одатларимиз қизиқтиради. Чунки, ўхшаш томонларимиз кўп. Масалан, кореяликлар ҳам оила...

— Кореяликлар билан кўпроқ қайси мавзуда суҳбатлашасизлар?

— Уларни кўпроқ миллий қадриятларимиз, юртимизга, ота-онамизга муносабатимиз, урф-одатларимиз қизиқтиради. Чунки, ўхшаш томонларимиз кўп. Масалан, кореяликлар ҳам оила...

— Яқинда Мустанқиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланади. Ёнгнам университетининг туғилиши билан биз ёшлар чет элда ўқиямиз, замонавий технологияларни эгаллаямиз...



учин Президентимизга раҳмат айтаман. У киши биз учун қайғуради. Мен юртдошларимга ҳамма яхши тилаклар ёр бўлишини тилайман. Тобора яқинлашиб келаётган истиқлол байрами билан барчани муборакбод этаман...

кор замондан орқада қолиб кетмаслигимиз учун ахборот технологияларидан хабардор бўлишимиз, бугина эмас, мамалакатимизда мазкур соҳа тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Ҳамма замонларда ҳам моддий бойлик бир кун келиб тугаши мумкин. Лекин миллият ёшларининг маънавий салоҳияти чексизлик имкониятига эгадир.



Хориж

Захирадаги пойтахт яратиш масаласи кўриб чиқилади

Япония ҳукумати жорий йилнинг кузида мамлакатнинг захира пойтахтини яратиш масаласини кўриб чиқмоқчи, дея хабар беради «Jiji Press» газетаси.



Маълумки, бугунги Токиода мамлакатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий «рича»лари жойлашган. Агар жорий йилнинг 11 мартдаги каби яна бир кучли табиий офат юз берадиган бўлса, мамлакат чуқур иқтисодий инқирозга учраши эҳтимолдан холи эмас.

Ўлим жазоси

Бекор қилинишини тарафдори

БМТнинг Ироқда фаолият олиб бораётган миссияси мамлакат ҳукуматини ўлим жазосини бекор қилишга чақирди. Бу талаш-танов миссиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича маърузасида баён этилди.



«Новости» АА хабарига қараганда, 2005 йилдан бун 257 киши қатл қилинган. Ўтган йили 18 киши нисбатан ўлим жазоси ижро этилган.

Футбол



Олимпиячиларимиз бош соврин соҳиби

Мамлакатимиз олимпия терма жамоаси Киевда таниқли мураббий Валерий Лобановский хотирасига бағишланган халқаро мусобақада голиб чиқди.

Олимпиячиларимиз дастлабки ўйинда сербиялик тенгдошларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Голлари Шерзод Каримов ва Владимир Козак киритди.

Уларни унутиб бўлмади

«Пахтакор — 79» қалбимизда!..

1979 йилнинг 11 августи... Украинадаги Днепрпетровск вилоятининг Куриловка қишлоғи... Маҳаллий вақт билан соат 13 дан 35 дақиқа ўтапти...

Ҳеч ким нима бўлганини аниқ айтмайди. Кейин эса... Тахминан 8400 метр баландликда Тошкент — Гурьев — Донецк — Минск йўналишида учаётган самолёт Челябинск — Воронеж — Кишинев йўналишида учаётган самолёт билан тўқнашиб кетганини...

Уша голиб жамоанинг аъзолари бўлган Миржолал Қосимов «Бунёдкор» клуби мураббийси, Игорь Шквинин «Олмалик» клуби бош мураббийси, Шуҳрат Мақсудов терма жамоамиз мураббийси, Фарход Магомедов профессионал футбол лигамиз раҳбари...

Уларнинг кўпчилиги 20-27 ёшда эди. Ҳали 5-10 йил кўзалари кувнаптиб, ёшларда футболга ҳавас уйғотиб мамлакатимиз, дунё майдонларида тўп тепишарди. Катта футболдаги фаолиятини тугатишарди, машаққатли мураббийлик касбини танлашарди. Ўзларидай иқтидорли футболчиларнинг янги авлодини тарбиялашарди.

Миллий матбуот марказида

Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Давархитектурилиш» кўмитаси ҳамкорлигида «Мактаб ва мактабгача таълим-тарбия муассасаларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув адабиётлари ва таълим стандартларига киритилаётган ўзгаришлар, дарс жараёнига замонавий ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни жорий этиш орқали таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга» бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таълимнинг сифат ва самарадорлиги

доимий диққат-эътиборда

Тадбирда таъкидланганидек, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умум-миллий дастури доирасида 5801 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Анжуманда сўзга чиққан Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдуғани Холбеков Президентимизнинг 2010 йил 10 ноябрдаги «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жихозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 19 декабрдаги «2011 йил Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорларига қўра, жорий йилда жами 317 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ва жихозлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилгани ва улар илчиллик билан давом этатигани тўғрисида тўхтади.

Тадбир давомида ўқув адабиётлари ва таълим стандартларига киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида ҳам фикр юритилди. 2011-2012 ўқув йилида жами 307 номда 17 миллиондан ортиқ дарслик ва ўқув методдик қўлланмалар чоп этиш режалаштирилган бўлиб, шундан 173 номда 12 миллиондан ортиқ дарсликлар қайта нашр этилишига, 134 номда 5 миллиондан ортиқ янги дарсликлар ва ўқув-методдик қўлланмалар чоп қилиш учун 26 миллиард сум маблағ ажратилиши назарда тутилган эди.

ОБ-ҲАВО

Table with 3 columns: Location, Today (БУГУН), Tomorrow (ЭРТАГА). Rows include Tashkent, Samarkand, Nukus, Karshi, Urganch, Navoiy, Farg'ona, Bukhoro, Andijon, Namangan, Termez, Jizzax, Gulistan, Toshkent vil., London, Paris, Moscow, Madrid, Peking, Hongkong, Rim, Ankara, Tokio, Stokgol'm, Keyptaun, Koxira, Gavana, Vashington.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси меҳнат фариши, журналист Комил ЮМЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия илхор этади.

Publication information including MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV, Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Ushiriddin MUHIDDINOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy, Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.